



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Наргиза Самадова,

ТМИ, "Иқтисодий таҳлил" кафедраси катта ўқитувчиси

Email: nargizasamadova050@gmail.com

PRACTICAL ASPECTS OF THE ANALYSIS OF INDICATORS REPRESENTING ECONOMIC POWER IN BUSINESS SUBJECTS

Nargiza Samadova,

Tashkent Institute of Finance, senior teacher

Email: nargizasamadova050@gmail.com

JEL Classification: M1, M4, M45

Аннотация: Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиш, таҳлил жараёнида қўлланиладиган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш, мулкдорлар, бошқарув органлари, инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдорларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда иқтисодий салоҳиятни таснифлаш ва уларнинг хусусий ва умумий кўрсаткичлар тизимини шакллантиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш, миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда инвестициявий жозибадорликни яхшилашга қаратилган иқтисодий салоҳиятни бошқариш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳамда мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарлича фойдаланишга алоҳида эътибор

қаратилган. Жумладан хўжалик юритувчи субъектларда БҲМСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ҳамда МҲХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ёрдамида иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими орқали таҳлил қилиш йўллари келтириб ўтилган. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида иқтисодий салоҳиятни имкон қадар тўлиқроқ таҳлил қилиш ва шу асосида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятини ошириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш, харажатларни камайтириш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва инвестициялар жалб этиш масалалари ёритилган.

Abstract: In this article, the development of modern approaches to the analysis and assessment of the economic potential of economic entities, ensuring the reliability of the information used in the analysis process, the classification of the economic potential taking into account the

interests of owners, management bodies, investors and other interested parties, and the methodical aspects of the formation of their private and general indicators system have been improved. Issues of improving economic potential management methods aimed at improving investment attractiveness, taking into account the characteristics of the national economy, and ensuring stable and proportionate economic growth in our country, increasing the effectiveness of economic reforms, identifying new growth points based on an in-depth analysis of the current state of socio-economic development of the regions, and using the existing economic potential sufficiently special attention is paid to use. In particular, ways of analyzing the economic potential through the system of indicators using the financial statements made on the basis of the national accounting standards and the financial statements made on the basis of the international accounting standards in economic entities are given. Also, on the basis of national and international standards of accounting, to analyze the economic potential as completely as possible and on this basis to increase the economic potential of economic entities, to ensure the competitiveness of products, to identify and classify the factors affecting the economic potential of economic entities, to reduce costs, to produce products based on high technologies issues of production and attracting investments are covered.

Калим сўзлар: бухгалтерия баланси, иқтисодий салоҳият, молиявий салоҳият, соф активлар, соф фойда, молиявий ҳолат, операцион цикл.

Keywords: balance sheet, economic potential, financial potential, net assets, net profit, financial position, operating cycle.

Кириш. Бугун бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсир

кўрсатаётган турли хил жараёнларга қарамасдан мамлакатлар иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, мамлакат иқтисодиётини талаб даражасида барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида хўжалик субъектларининг иқтисодий салоҳиятларини таҳлил қилиш, фойдаланилмаётган ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш айтиш заруратдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятини ошириш ва шу асосида маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш, харажатларни камайтириш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва инвестициялар жалб этиш, бунинг натижасида иқтисодий салоҳиятни ошириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2016 йилги 255421,9 млрд сўмдан 2022 йилда 888341,7 млрд сўмга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 111869,4 млрд сўмдан 553265,0 млрд сўмга, асосий капиталга киритилган инвестициялар 51232,0 млрд сўмдан 266240,0 млрд сўмга етганлиги макро даражада иқтисодий салоҳиятнинг ўсиб

бораётганлигидан далолат бермоқда.[1] Бироқ, эришилган натижалар ҳалиям мамлакатимизнинг мавжуд иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги, аслида юқорироқ натижаларга эришимиз мумкинлиги ва бунинг учун барча имкониятлар етарли эканлиги эътироф этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада қуйидаги фикрларни айтиб ўтганлар: “Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 160 миллиард долларга етказишдек жуда катта марра олдик. Бунга эришиш албатта осон бўлмайди. Лекин бу йўлда аниқ ҳисоб-китобларимиз, реал имкониятларимиз бор. Табиий бойликларимиз, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз, иш тажрибамиз етарли.”[2]

Мамлакат иқтисодий салоҳиятини унинг қуйи бўғини ҳисобланган тадбиркорлик субъектлар ташкил этади. Ҳар қандай макроиқтисодий кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектларнинг қай даражада самарали фаолият юритаётганлиги ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқиб шаклланади. Шу боисдан, тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши, фаолият соҳаларининг хилма-хиллиги, турли мулкчилик шаклларига тегишлилиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ва хизматлар) тури ва ҳажмининг узлуксиз ортиб боришига эришиш яқуний натижада мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида талқин этиш мумкин.

Материал ва метод. Иқтисодий салоҳият тушунчаси даставвал мамлакатнинг иқтисодий кудратини тавсифлаш учун фойдаланилган. Бироқ иқтисодий билимларнинг ривожланиши, бошқарув қарорларини тўғри қабул қилиш учун таҳлилий маълумотларга

бўлган эҳтиёжнинг ортиши натижасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш заруриятининг шаклланиши натижасида бу кўрсаткичдан фойдаланиш сезиларли даражада ошди. Мураккаб иқтисодий шароитда ҳар бир хўжалик юритувчи субъект олдидаги бирламчи вазифа барқарорликни таъминлаш мақсадида иқтисодий салоҳиятни аниқлаш ҳамда уни корхона фаолиятида самарали қўллашга йўналтиришдан иборат. Бундан ташқари, иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги, рақамли иқтисодиёт шароити таъсирида шакланган кўплаб омиллар ҳисоб жараёнларида инобатга олинмаётганлигини кўриш мумкин. Иқтисодчи олимлар ўртасида мазкур масала юзасидан турлича ёндашувларнинг мавжудлиги бу борада аниқ ечимга келишни янада мураккаблаштирмоқда.

Илмий тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, иқтисодий салоҳият тушунчаси бўйича соҳа олимлари ўртасида турли хил фикрлар мавжуд. Бу борада адабиётларда, мақолаларда, илмий ишларда мазкур тушунча турлича баён этилган

Юқоридаги фикрларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъектлар учун иқтисодий салоҳият тушунчаси ва у билан боғлиқ меъзон кўрсаткичларини илмий жиҳатдан шакллантириш ҳамда иқтисодий моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Авваламбор, ушбу жиҳатларни ўрганиб чиқиш учун “Салоҳият”, “Иқтисодий салоҳият”, “Корхона иқтисодий салоҳияти” тушунчаларини фарқлай олишимиз лозим.

Иқтисодий назарияда "Салоҳият" тушунчаси ҳар қандай соҳадаги мавжуд воситалар, имкониятлар йиғиндиси сифатида таърифланади. У фақатгина қўлланилаётган имкониятларни эмас, балки мавжуд келгусида қўлланилиши мумкин бўлган имкониятларни ҳам англатади.

"Салоҳият" (лотинча *potentia* - куч) - бу мавжуд ва сафарбар этилиши, ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган, маълум бир мақсадга эришиш, режани амалга ошириш, вазифани ҳал этиш учун фойдаланиладиган воситалар, захиралар ва манбалардир. Шу билан бирга у шахс, жамият ёки давлатнинг маълум бир соҳадаги имкониятларини ифодалайди.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам "салоҳият" сўзининг луғавий маъноси келтирилган бўлиб, у бирор вазифани ҳал этиш ва кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган манба, имконият, маблағ, захиралар эканлиги таъкидланган. [3]

"Салоҳият" сўзининг таърифиغا А.П. Романов ва бошқа бир нечта рус иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, "Салоҳият (потенциал) ресурслар мажмуи сифатида қаралганда, уни баҳолаш ресурсларнинг алоҳида турлари қийматларининг сифат ва миқдорий хусусиятларини белгилашдан иборат бўлади. Мазкур ресурсларнинг ўзаро таъсири ҳисобга олинмайди ва ўлчанмайди. Салоҳият агарда ресурслар тизими сифатида қаралса, мазкур тизим хусусиятларини аниқ кўрсата олиш учун бутун тизимни тавсифловчи алоҳида таркибий қисм кўрсаткичлари билан тўлдириш лозим" [4]

Яна бир иқтисодчи олим В.М. Архипов шундай таъриф беради: "Салоҳият"-белгиланган мақсадлар ва

қўйилган вазифаларни ечиш учун жалб этилиши мумкин бўлган мавжуд воситалар, захиралар ва манбалардир. [5]

"Салоҳият" сўзининг кенг маънода қўлланилиши унинг турли соҳаларда илм-фан, маданият, иқтисодиёт ва бошқа кўплаб жабҳаларда кенг қўлланилиш имконини беради. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, "Салоҳият" атамасига мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, яширин имкониятларни аниқлаш, амалга оширилмаган мавжуд имкониятлар манбаини тушуниш мумкин.

"Иқтисодий салоҳият" атамасига иқтисодчи олимларнинг берган фикрларини ўрганиб чиқамиз.

Иқтисодчи олим В.С. Спирин томонидан "Иқтисодий салоҳият мавжуд ва фойдаланилмаган захираларни ўзида жамлаган ресурслар мажмуи орқали аниқланади" деб таъриф берган. [6]

Бундан ташқари, корхона иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда ҳам жиддий камчиликлар мавжудлиги, рақамли иқтисодиёт шароити таъсирида шаклланган кўплаб омиллар ҳисоб жараёнларида инobatга олинмаётганлигини кўриш мумкин. Иқтисодчи олимлар ўртасида мазкур масала юзасидан турлича ёндашувларнинг мавжудлиги бу борада аниқ ечимга келишни янада мураккаблаштирмақда.


Одатда салоҳият атамаси маълум бир шарт-шароитлар остида фойдаланиш мумкин бўлган яширин имкониятларни ҳам ифодалайди. Шу сабабли кўп иқтисодчи мутахассислар томонидан корхона иқтисодий салоҳияти (потенциал) ва иқтисодий таҳлил натижасида аниқланадиган фойдаланилмаётган имконият (резерв)

тушунчалари аралаш ҳолда қўлланилмоқда. Бу тушунчалар ўзаро фарқли жиҳатларга эга. Иқтисодий салоҳият корхона фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ барча манбалар йиғиндисини ифодаласа, фойдаланилмаётган имконият (резерв) айнан бир манбанинг жорий натижаларидан самаралироқ фойдаланиш усулини англатади.

“Иқтисодий салоҳият” тушунчаси борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига асосан мазкур атамага қуйидагича содда ва тушунарли таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий салоҳият - бу хўжалик юритувчи субъектнинг кучли рақобат шароитида ўз мақсадига эришиши учун мавжуд ресурслари қуввати сиғими яъни, имкониятидир.

Таҳлил ишларининг натижадорлиги унинг ахборот таъминотига бевосита боғлиқдир. Таҳлилда қўлланиладиган ахборот манбалари таҳлил қилинаётган объектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича бўлади. Бироқ, иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбаларига хўжалик ҳисобини юритиш натижасида олинган маълумотлар ва ташқи манбалардан олинган маълумотлар киради.

Иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фақатгина хўжалик ҳисоби маълумотлари билан чекланиб бўлмайди. Шу боисдан, иқтисодий салоҳият таҳлилининг ахборот манбаларини қуйидагича таснифлашни таклиф этамиз (1-расм).



1-расм. Иқтисодий салоҳият таҳлилининг ахборот манбалари таснифи¹

¹Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ушбу расмда келтириб ўтилган ахборот манбалар фақатгина корхона бошқаруви томонидан иқтисодий салоҳиятни комплекс баҳолаш учун зарур ахборотларни тўплашга қаратилган. Бироқ, инвестициявий қарорлар қабул қилиш нуқтайи назардан инвесторлар ёки бошқа манфаатдорлар томонидан корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун очиқ бўлган молиявий ҳисобот маълумотлари уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмайди. Шу билан бирга мазкур маълумотлар асосида корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган бир қатор кўрсаткичларни аниқлаш имконияти бўлмайди. Масалан, бухгалтерия балансида асосий воситалар, номоддий активлар, инвестициялар, жорий активлар умумий кўринишда берилди, аммо уларнинг муҳим таркибий элементлари аналитик ҳисоб ҳужжатларида қолади. Шу боисдан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг "Ҳисоб сиёсати"га молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда акс эттириладиган ҳамда иқтисодий салоҳиятни корхона мулки нуқтайи назардан очиб беришга мўлжалланган "Асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, жорий активлар тўғрисида қисқа умумлашган ахборот" номли махсус шакл киритиш таклиф этилди. Ушбу шаклни киритиш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторлар, потенциал кредиторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчиларга корхона иқтисодий салоҳияти тўғрисида молиявий ҳисобот

шаклларида ўз аксини топмаган қўшимча маълумотларни тақдим этиш орқали молиявий ҳисоботнинг шаффолиги ва оммабоплигини оширишга эришилади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳияти таҳлилининг ахборот таъминоти кенгайтирилади, жорий ва узоқ муддатли активлар билан боғлиқ салоҳият кўрсаткичларни ҳисоблашдаги аниқлик ошади.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш учун маълумот беришнинг ўзига хос хусусияти бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС)да ўз аксини топган. Ушбу ҳисоботларга кўра, компания ўз натижаларини динамикада баҳолаши ва корхонанинг ҳолати, яъни унинг иқтисодий салоҳияти ҳақида хулоса чиқариши мумкин. Бироқ, бозорда рақобатдош устунликларини ошириш, қўшимча инвесторларни жалб қилиш ва жаҳон бозорига чиқиш учун маҳаллий корхоналар миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар (МҲХС) айлантиришга мажбур бўлмоқдалар.

Корхона иқтисодий салоҳияти бир қатор хусусий салоҳиятларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлганлиги боис, олиб борилган тадқиқотлар натижасида бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланган ҳолда иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий кўрсаткичлар тизими шакллантирилди ва маълумот йўналишлар асосида таснифланди (2-3-жадваллар).

БҲМСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ёрдамида иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими²

Ресурс салоҳияти	Ишчанлик салоҳияти	Ишлаб чиқариш салоҳияти	Молиявий салоҳият
Молиявий ҳолат (жами мулк)	Соф активлар	Доимий активлар индекси	Ялпи фойда динамикаси
Жорий ликвидлик коэффициенти	Соф фойда	Активлар ўзгариш динамикаси	Тушум динамикаси
Тез ликвидлик коэффициенти	Битта акцияга тўғри келадиган фойда	Узоқ муддатли активлар улуши	Сотиш рентабеллиги
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	Ишчанлик коэффициенти	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	Молиявий ричаг самараси
	Тўлов қобилияти коэффициенти	Захираларнинг хусусий манбалар билан таъминланганлиги коэффициенти	Хусусий капитал рентабеллиги
		Хусусий капиталнинг ҳаракатчанлик коэффициенти	Активлар рентабеллиги
		Хусусий капитал улуши коэффициенти	Молиявий барқарорлик коэффициенти
		Молиялаштириш коэффициенти	Молиявий қарамлик коэффициенти
		Молиявий ричаг коэффициенти	Молиявий мустақиллик коэффициенти
		Фонд қайтими	

² Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

МХХСлар бир қатор афзалликларга эга, улардан бири корхона фаолияти натижаларини кулай ва содда шаклда тақдим этиш бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектга ўз фаолиятини соҳадаги хорижий компанияларнинг фаолияти билан солиштириш орқали инвесторлар томонидан яхшироқ идрок қилиниш имконини беради. Маҳаллий компанияларнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботларни тайёрлашининг асосий сабаби холдинглар ва корпорациялар таркибига кирувчи ташкилотларда инвестиция объектининг молиявий натижалари тўғрисида ишончли маълумот олишга интилишдир. Бу, иқтисодий салоҳиятни баҳолаш нуктаи назаридан, МХХСларга мувофиқ тайёрланган ҳисобот компаниянинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш учун кўрсаткичлар доирасини кенгайтиришга

хизмат қилади, деб тахмин қилиш имконини беради.

Иқтисодий салоҳият бир қанча хусусий салоҳиятларнинг ўзаро таъсирида намоён бўлади. Меҳнат, ишлаб чиқариш ва инновацион салҳияларнинг ахборот компонентлари корхонанинг активлари, моддий, номоддий ва меҳнат ресурслари тўғрисидаги маълумотларни мужассамлаштиради. Молиявий салоҳият эса ушбу салоҳиятларнинг самарали ўзаро таъсири остида шаклланади ҳамда жалб қилинган ресурслар ва барча активларнинг тузилишини, шаклланиш манбаларининг ҳажмини баҳолашда намоён бўлади. Бу эса корхона иқтисодий салоҳияти ресурслар ҳажми ва мавжуд захиралардан мақбул фойдаланиш билан келажакда эришиш мумкин бўлган маҳсулотлар, товар ва хизматларнинг максимал ҳажми билан белгиланади деб хулоса қилиш имконини беради.

3-жадвал

МХХСлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ёрдамида иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими³

Ресурс салоҳияти	Ишчанлик салоҳияти	Ишлаб чиқариш салоҳияти	Молиявий салоҳият
Компания ресурслари ҳажми	Соф активлар	Доимий активлар индекси	Ялпи фойда динамикаси
Жорий ликвидлик коэффициенти	Соф фойда	Капитализация коэффициенти	Тушум динамикаси
Тез ликвидлик коэффициенти	Битта акцияга тўғри келадиган фойда	Узоқ муддатли моддий активларнинг хусусий капиталга нисбати	Операцион фойда динамикаси
Мутлоқ ликвидлик коэффициенти	Гудвилл	Соф айланма капитал	Сотиш рентабеллиги
	Операцион фойда	Сой айланма капитал ортиқчалиги	Тўланадиган фоизларни қоплаш коэффициенти (ICR)
	ЕВIT	Захираларнинг соф	Хусусий капитал

³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

		айланма активлар билан қопланиш коэффициенти	рентабеллиги (ROE)
	ЕВІТ margin %	Ишлаб чиқариш фондлари рентабеллиги	Активлар рентабеллиги (ROA)
		Фонд қайтими	Ишлатилган капитал рентабеллиги (ROCE)
		Операцион цикл	Молиявий қарамлик коэффициенти
			Молиявий мустақиллик коэффициенти

Юқоридаги жадвалларда келтириб ўтилган кўрсаткичлар тизими етарли ахборотлар шароитида иқтисодий салоҳият компонентларини баҳолаш учун хизмат қилади.. Келтириб ўтилган анъанавий кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият компонентларини (хусусий салоҳият) миқдорий баҳолаш ва шу асосда таҳлил қилинаётган давр учун иқтисодий салоҳият динамикаси тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи ахборот блокларига бирлаштирилган.

Мунозара. Корхонанинг асосий молиявий кўрсаткичларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш асосида бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларида келтирилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий салоҳиятни баҳолаш мумкин. Мулкий салоҳиятнинг ўзгаришини баланс моддаларининг динамикаси ва унинг таркибидаги ҳар бир модданинг улуши билан баҳолаш мумкин. Баланснинг ўсиши корхона мулкий салоҳиятининг ўсишидан далолат беради. Агар соф даромад, корхона қиймати, дивидендлар ва гудвилл ортиб бораётган бўлса, ташқи (бозор) салоҳияти ўсиб бораётган деб ҳисоблашга асос бўлади.

Агар капитал-меҳнат нисбати ва капитал унумдорлиги ошса, асосий фондлар индекси ошса, ўз маблағлари коэффициентлари ошса, уларнинг мослашувчанлиги ошиб, якуний фаолият кўрсаткичлари - тушум, соф фойда, рентабеллик ортиб борса, ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бораётган ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган молиявий коэффициентлар белгиланган стандарт қийматлардан ошса, молиявий салоҳият ортади.

Корхона иқтисодий салоҳиятига бағишланган кўплаб адабиётлар ва илмий нашрларда унинг қайсидир бир элементи ёки бўмаса маълум ёндашув асосида иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш масаласи ўрганилган. Ҳанузгача иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш борасида олимлар томонидан косенсусга эришилган бирор метод мавжуд эмас. Чунки, иқтисодий салоҳият серқирра йўналиш бўлиб, уни мақсаддан келиб чиқиб турлича таҳлил қилиш мумкин.

Хулоса. Корхонанинг асосий молиявий кўрсаткичларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш асосида бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларида келтирилган



маълумотлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий салоҳиятни баҳолаш мумкин. Мулкий салоҳиятнинг ўзгаришини баланс моддаларининг динамикаси ва унинг таркибидаги ҳар бир модданинг улуши билан баҳолаш мумкин. Баланснинг ўсиши корхона мулкий салоҳиятининг ўсишидан далолат беради. Агар соф даромад, корхона қиймати, дивидендлар ва гудвилл ортиб бораётган бўлса, ташқи (бозор) салоҳияти ўсиб бораётган деб ҳисоблашга асос

бўлади. Агар капитал-меҳнат нисбати ва капитал унумдорлиги ошса, асосий фондлар индекси ошса, ўз маблағлари коэффициентлари ошса, уларнинг мослашувчанлиги ошиб, якуний фаолият кўрсаткичлари - тушум, соф фойда, рентабеллик ортиб борса, ишлаб чиқариш салоҳияти ўсиб бораётган ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган молиявий коэффициентлар белгиланган стандарт қийматлардан ошса, молиявий салоҳият ортади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. [Makroko'rsatkichlar \(stat.uz\)](http://stat.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти маълумотлари.
2. [Халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, эришган ютуқларимизни янги, янада улкан натижалар билан мустаҳкамлаш – бош вазифамиз \(president.uz\)](http://president.uz)
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент, 2000 й
4. Управление экономическим потенциалом организации: учеб. пособие / А.П. Романов, Г.Г. Серебренников, В.М. Безуглая, О.В. Кирилина, М.К. Чарыкова. – Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО ТГТУ, 2012. – 88 с.
5. Архипов. В.М. Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты)-Л:Изд.ЛГУ, 2009.-75-89 с
6. Спирин В.С. Основные черты современных структурных изменений производственного потенциала предприятия. Консультант директора.–2004.–№15.–88с
7. www.lex.uz
8. www.mf.uz